

“ЎТКАН КУНЛАР” РОМАНИ ТАРЖИМАЛАРИДА КАТЕГОРИЗАЦИЯ АСПЕКТНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ (гендерга оид тушунчалар мисолида)

Тоштемир Амиркулович АЛИМОВ

Мустақил тадқиқотчи

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Ташкент, Ўзбекистон

ПРОБЛЕМА КАТЕГОРИЗАЦИИ В ПЕРЕВОДЕ РОМАНА «МИНУВШИЕ ДНИ» (на примере гендерных понятий)

Тоштемир Амиркулович АЛИМОВ

Независимый исследователь

Узбекский государственный университет мировых языков

Ташкент, Узбекистан

THE PROBLEM OF CATEGORIZATION IN THE TRANSLATION “DAYS BYGONE” (on the example of gender concepts)

Toshtemir Amirkulovich ALIMOV

Independent researcher

Uzbekistan State World Languages University

Tashkent, Uzbekistan toshtemiralimov@gmail.com

UDC (УЎК, УДК): 81'25:821.512.133:82'31

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):

Алимов Т. А. *Ўткан кунлар* романи таржимасида категоризация аспектининг ўзига хос хусусиятлари (гендерга оид тушунчалар мисолида). // Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2021. — №3 (38). — Б. 185-196.
<https://doi.org/10.36078/1626176070>

Received: May 11, 2021

Accepted: June 17, 2021

Published: June 20, 2021

Copyright © 2021 by author(s) and Scientific Research Publishing Inc.

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Аннотация. Мақоланинг мақсади Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асарининг инглиз ва рус тилидаги таржималарида гендер, маданият, урф-одат ва бошқаларга оид сўзларни категорияларга ажратиш ва натижалари бўйича функционал ёндашувни тақдим этишдир. Тавсия этилган парадигма таржима маъносини маданиятлар ва тилларда етказиб беришда категоризациянинг асосий ролини таъкидлайди. Бинобарин, Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романининг инглиз ва рус тилларига қилинган таржимаси ўрганиб чиқилган, асар таржимаси таҳлил қилинган. Гендернинг таржимадаги тасвири, миллий характернинг берилиши, сўз танлаш масаласи таҳлил остига олинган. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романининг инглиз ва рус тилларига қилинган таржимасини ўрганиб чиқиш, асар таржимаси, умуман таржимада ўз аксини топган таржимон маҳорати ҳақида тасаввурга эга бўлиш, шунингдек, ушбу роман таржимаси сифати ва таржимон савиясини асарнинг асосий ғояси ҳамда муаллифнинг асл ният ва мақсадларини етказа олган ёки олмаганлигини категоризация орқали таҳлил қилишдир. Шунингдек, мақолада таржиманинг мақсадли аудиториясига хос маънога эга тоифаларни аниқлаш учун маданий изоҳлар ва лингвистик таҳлиллар зарурияти кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: таржима; таржимашунослик; категория; категоризация; гендер таҳлил; “Ўткан кунлар” романи.

Аннотация. Статья посвящена английскому и русскому переводам романа Абдуллы Кадыри «Минувшие дни» с целью категоризации слов, специфичных для гендера, культуры, обычаев и других национальных культур, и обеспечения функционального подхода к их переводу. Предлагаемая парадигма подчеркивает ключевую роль категоризации в переводе на разные культуры и языки. Английский и русский переводы романа Абдуллы Кадыри «Минувшие дни» были изучены с лингвистической точки зрения. Цель исследования — изучить английский и русский переводы романа Абдуллы Кадыри «Минувшие дни», понять перевод, особенности переводческой манеры переводчика, проанализировать качество и уровень переводов романа и смог ли переводчик передать основную идею шедевра узбекской литературы и оригинальные замыслы и цели автора. В статье также обсуждается необходимость культурного объяснения и лингвистического анализа для определения категорий, специфичных для целевой аудитории перевода.

Ключевые слова: перевод; переводческое мастерство; категория; категоризация; гендерный анализ; роман «Минувшие дни».

Abstract. The article is devoted to the English and Russian translations of Abdullah Qadiri's "Bygone days" to categorize words specific to gender, culture, customs and other national cultures and to provide a functional approach to their translation. The proposed paradigm emphasizes the key role of categorization in delivering the translation to cultures and languages. Therefore, the English and Russian translations of Abdullah Qadiri's novel "Bygone days" have been studied from linguistic viewpoints. The article analyzes gender in translation, the transmission of national character and the issue of word choice. The purpose of the research is to study the English and Russian translations of Abdullah Qadiri's novel "Bygone days", to understand the translation, the translation skill of the translator, as well as to analyse the quality and level of the translations of the novel and whether the translator was able to convey the main idea of the masterpiece of Uzbek literature and the author's original intentions and goals. The article also discusses the need for cultural explanation and linguistic analysis to identify categories that are specific to the target audience of the translation.

Keywords: translation; translation studies; category; categorization; gender analysis; "Bygone days" novel.

Кириш. Таржима воситачи тилдаги энг яқин эквивалент маънони топишга қаратилган, шу орқали хабарни муайян асл матндан воситачи тил матнига етказиш ва баён этишнинг усулларидан биридир. Таржимашунослик билан шуғулланадиган ҳар бир кишида бадий таржиманинг асл матн моҳиятини ўқувчиларга етказиш учун ғоят катта кучга эга эканлиги ҳақида тушунча мавжуд бўлади. Таржимашунослик ҳозирги глобаллашув жараёнининг муҳим жиҳатларидан бири, чунки у орқали турли тиллар ва маданиятларга мансуб кишилар ўртасида алоқа ўрнатилади. Бугунги кунда таржимашунослик замонавий дунёнинг устунларидан бири сифатида қаралмоқда ва тил ўрганиш соҳасида ўзининг муносиб ўрнига эга. Бироқ азалдан айнан бундай бўлиб келмаган. Бир вақтлар тилшунослик таржимага энг паст вазифа сифатида қараган. Ўша давр тилшунослари фикрига кўра, таржима муайян тилнинг сўзларини

бошқасига ўтказиш вазифаси эди. Лекин орадан вақт ўтиши билан таржима тилнинг жуда муҳим қисмини ташкил қилиши аниқланди. Аслида таржима тилнинг аввал бошиданок мавжуд бўлган. Таржима қадим замонлардан бери ўқитиш, турли хил хабарларни тарқатиш ва энг муҳими одамлар билан алоқа ўрнатиш учун ишлатилган. Таржиманинг асосий ғояси — тилнинг сезувчанлик қобилиятига мувофиқ тарзда бир тилнинг хабарини бошқасига етказиш.

Муайян тилдан бошқа тилга таржима қилинган асарлар бир неча минг йиллардан буён халқларнинг миллий маданияти, анъаналари, урф-одатлари, дунёқараши, ҳаётни англаш фалсафаси, тафаккури, қолаверса, яшаш тарзи ҳақида тасаввур ҳосил қилишда ниҳоятда муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. Ахборот алмашинуви ривожланган, глобаллашув жараёнлари ҳаётимизга шиддат билан кириб бораётган бугунги кунда миллий адабиётларни сақлаш, маънавий кадрларни эъзозлаш ва келгуси авлодларга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. И. А. Каримов таъкидлаганидек: “Узоқ йиллар давомида ўзбек адабиётини тўғридан-тўғри она тилимиздан таржима қилиб келган чет эллик таржимонлар билан бирга, мамлакатимиз олий ўқув юртларида таълим олаётган истеъдодли ўғил-қизларимизни мана шу машаққатли, айти пайтда олийжаноб ишга жалб этиш, бу масаланинг ечими билан бевосита боғлиқ бўлган ташкилий-амалий вазифаларни ҳал қилишимиз мақсадга мувофиқ бўлур эди” (10, 139).

Ушбу фикрларда таржима масаласининг долзарблиги ва машаққатли жараён эканлигини таъкидлаш билан бир қаторда, ўзбек тилидан бошқа чет тилига ёки чет тилидан ўзбек тилига қилинадиган таржималарни уста таржимонлар билан бир қаторда, тил ўрганаётган ёшларни ҳам жалб этишга ундаш кўришиб турибди. Халқларнинг маънавий даражасини кўтаришда адабиёт муҳим восита эканлиги маълум. Адабиётнинг юксалишида эса, адабий алоқаларнинг ўрни муҳим. Бадиий таржима қадимдан ҳар бир адабиётнинг ривожланишида ва шу орқали халқларни ўзаро танитувда улкан омил бўлиб келмоқда.

Бадиий таржима туфайли бир халқ иккинчи халқни теранроқ тушунади, унинг эзгулик, адолат, яхшилик идеаллари ўзга халқлар дилидан жой олади ва натижада бу ғоялар инсониятни ҳаракатга келтирувчи кучга айланади. Муайян миллий муҳитда юзага келган муаммолар ва хусусиятларни акс эттирадиган миллий бадиий асар ана шу жиҳати билан умуминсоний характер касб этади. Шунинг учун ҳам бадиий таржиманинг ўрни ва роли жаҳон адабиётшунослигида юксак баҳоланган.

Таржимашунос Ғайбулла Саломов: “Бадиий асарлар таржимасининг хусусияти шундаки, у чинакам нафис нарсдан баҳраманд этишдан ташқари, хусусан, эстетик туйғуни ўстиришга, дид пайдо қилишга ва нафис нарса тўғрисида ҳаққоний тушунча тарқалишига хизмат қилади” деб таъкидлайди (16, 11). Турк таржимашуноси Мина Язижи бўлса: “Иқтисодий, сиёсий, илмий ва бадиий адабиёт соҳасида маълумот алмашиниш ниҳоятда тараққий этган бир даврда таржиманинг халқаро муносабатлардаги роли бекиёсдир”, деб ёзган эди (9, 9). Шу билан биргаликда, ўзбек олими Н. Комилов: таржима асари бу бошқа халқ яратган нарсдан айнан кўчирилган нусха эмас, балки “таржима бошқа тилдаги бадиий гўзалликни ўз халқи учун ижодий ўзлаштириш, янги тилнинг қуввати

ва қудратини намоёиш этиб, асарни шу тилнинг санъат ҳодисасига айлантириш”, деб таъкидлайди (11, 5).

Ёзувчи Тохир Маликнинг фикрича, *бир асарни дунё танимоғи фақат даражага боғлиқ эмас, балки бу ўринда қойилмақом таржима ҳам муҳимдир*. (Т. Малик) Албатта, ҳар бир сатрида миллийлик ва тарихийлик асосида бадиият уфуриб турган асарни таржима қилиш таржимон олдиға мураккаб вазифаларни кўяди. Биринчидан, таржимон тарихий асарға асос қилиб олинган ўтмиш давр билан яхши таниш бўлиши керак; иккинчидан, асардаги миллий руҳни чуқур мушоҳада қила олиши даркор, ўзбекона лутф ва урф-одатларни пухта билиши лозим; учинчидан, аслият тилини билмайдиган таржимон мутахассислар томонидан мукамал тарзда шарҳ ва изоҳлар билан таъминланиши зарур, тўртинчидан, аслият адабиётининг билимдони ёки мазкур адабиёт анъаналаридан бохабар бўлиши талаб этилади. Юқоридагиларни инобатға олган ҳолда шуни эътироф этиш лозимки, қабул қилувчи муҳитнинг ҳам имкониятларини эътибордан четда қолдирмаслик керак. Бу ҳолат, айниқса, қардош бўлмаган, тилларға тааллуқлидир. Рус адиби Ф.М. Достоевский таъбири билан айтганда, *бадиий таржимада бир сўз ортиқча ҳам, кам ҳам бўлмаслиги керак*. (Ф. Достоевский). Бироқ бунга ҳар доим ҳам эришиб бўлмайди, нафақат назмий таржимада, ҳатто насрий таржимада ҳам бунинг имконияти оз. Ушбу келтириб ўтилган фикр ва далиллар натижасида, *Ўткан кунлар* романининг инглиз ва рус тилидаги таржималарида бадиий тасвир воситалари, урф-одатлар, маданият ва бошқа хусусиятларни гендер билан боғлаган ҳолда анализ-таҳлил қилиш заруриятини туғдирди. Мазкур анализ-таҳлил амалиёти орқали белгиланган доирадаги сўзлар категоризация қилинди. Шу ўринда категоризация ва унинг таржимадаги ўрнига тўхталиб ўтсак: инсон ўз ҳаётий тажрибалари орқали дунёни тушунишни бошқалардан ажратиб турадиган сон-саноксиз йўллар билан изоҳлайди, шу сабабли категориялар миянинг инстинктив табиатидан келиб чиққанми ёки мустақил ҳаётий тажриба томонидан шаклланганми, бу инсоннинг маданий шароитидаги ўзига хос типик билим ва маъноға қараб шаклланади. Фақат бир категорияға кирадиган тушунча тамоман контекстға боғлиқ. Тиллар, халқлар, география, иқтисодиёт ва бошқаларнинг хилма-хиллиги категорияни шакллантириш ва мазмунан улкан яратувчанлик қилишға ёрдам беради.

Категориялар бўйича талаб таржима соҳасида жуда фойдалидир, чунки инсон таржима қилинган матннинг идрок қилинадиган маъносига таъсир қилувчи асосий тоифаларда дунёни талқин қилиш ва тартибға солиш туғма қобилятиға эға. Таржима фанидаги когнитив тадқиқотлар нафақат манба тилидаги таниқли категориялар, балки маданиятнинг ўзига хос қадриятлари билан ажралиб турадиган асосий тил категориялари билан ҳам боғлиқ бўлиши керак. Категоризацияни идрокни қайта ишлашға ва матнға маъно, долзарблик ҳамда аҳамиятлиликни белгилашға имкон берадиган билим доираси сифатида тавсифлаш мумкин.

Матнни таржима қилишда таржимон кўпинча тўғридан-тўғри таржима қилинадиган сўзларға дуч келади. Бунинг сабаби шундаки, ҳар бир тил ўзига хос ва муайян грамматик қоидалар, синтаксис ва маданий концепциялар асосида ишлайди. Ушбу нозик фарқларнинг барчасини тушуниш учун тилнинг лингвистик томонини ўрганиш муҳимдир.

Категоризация — муайян бир тушунчаларни баъзи ўхшашлик ва умумий хусусиятларга кўра гуруҳларга бўлишдир. Масалан, мебель ҳақида ўйлаганимизда, биринчи навбатда кўпинча стул ёки стол ҳаёлимизга келади. Бу стул ёки стол энг кенг тарқалган мебель қисмларидан бири, аммо булардан ташқари яна жуда кўп жиҳозлар ҳам мавжуд. Шундай қилиб, мебель бу битта категориядир ва стул ёки стол унинг прототипидир. Прототиплар маданият билан боғлиқ бўлиб, турли тилларда турли мисолларни келтириб чиқаради. Категоризациялаш турли тилларда кўпинча ушбу прототиплар туфайли амалга оширилади. Шу жумладан, одамлар фарқларни баҳолаш ва ўзларига ўхшаш деб ҳисоблаган нарсаларни чеклаш орқали категорияларга ажратиш билан шуғулланадилар (7, 27–48). Натижада, категорияларга ажратиш шу билан боғлиқ маъно ва аҳамиятга эга бўлиб, минимал идрок билан индивидуал идрокнинг шаклланишида самарали ёрдам беради.

Когнитив фан азалдан идрокнинг асоси нима деган саволни илгари суриб келган. Билишнинг асосий операцион принципи категорияларга ажратиш (6, 66–73). “Идрок намунавий категориялар мезони сифатида таърифланиши мумкин” (1, 155). Харнаднинг таъкидлашича, автоматик равишда билиш категорияларга ажратишни англатади (4, 20–43). Категоризация билишнинг асосий вазифасидир, шу сабабли у ҳаётий тажрибани англаш ва талқин қилишнинг муҳим воситаси сифатида ишлайди (3, 25–32). Инсон онги, инсон ҳаётини функционал ёритиш учун категорияларга бўлиш билан боғлиқ (2, 97–116). Категориялар ҳақиқий бўлиши шарт эмас, аксинча фойдаланувчилар томонидан функционал жиҳатдан самарали ишлатилиши лозим (8, 44–54).

Когнитив тилшуносларнинг энг муҳим ғояларидан бири тилларда категоризациялаш назарияси ҳисобланади. Категоризациялаш, шунингдек, когнитив талқин қилиш воситаси сифатида асосий контекстларга эга. Худди шу тоифадаги турли контекстларда турли хил асосий маъноларга эга бўлган ҳар хил асосий тасвирлар мавжуд бўлади. Категорияларни қўллаш контекстуал билимларга боғлиқ. Чунки маданий таъсир категория таркибини контекст билан узвий ҳолда шакллантиради.

Асосий қисм. Мақоланинг объекти қаратилган асар *Ўткан кунлар* романидир.

Абдулла Қодирий — буюк санъаткор, сўз устаси, халқ қаҳрамони. Қанча тазйиқлару маломатларга қарамай у ўз сўзини айта олган улуғ ижодкор. Унинг номини, асарларини йўқ қилмоқчи, халқимиздан уни бегона қилмоқчи бўлдилар. Ҳатто, биз билган машҳур шоири замонлар ҳам унинг учун ўтин қаладилар... Ҳақиқат барибир юзага чиқди. Жулқунбойнинг асарлари, унинг номи қалбларимизда абадийга муҳрланди. У ёзган асарлар уйимизнинг ва қалбимизнинг тўридан жой олди. “Ўткан кунлар” ўзбек адабиётидаги биринчи романга айланган ва турли мамлакатларда турли тилларга таржима қилинган. Ушбу роман кўплаб маданий ва маънавий қадриятларни ўз ичига олади. Жумладан, бу ерда ўзбек миллатининг соддалиги, ҳалоллиги ва қатъиятлилиги ҳақида ҳикоя қилади. Бутун роман давомида ёзувчи тўғридан-тўғри ўқувчига мурожаат қилади, ранг-баранг образларни яратади, қаҳрамонларнинг ҳақиқий ҳис-туйғуларини етказди. Юқорида келтирилган сабаблар роман таржимаси таҳлил қилинишга лойиқлигини кўрсатади.

“Ўткан кунлар” нинг инглизча ва русча версияси бир қатор тадқиқотлар мавзуси сифатида, хусусан таржима билан боғлиқ бўлганлиги сифатида таҳлил қилинган. Ушбу мақолада “Ўткан кунлар” романининг инглиз ва рус тилидаги версияларининг гендер билан боғлиқ ҳолатида маданият, урф-одат ва бошқаларга оид сўзларни таржима таснифи ва сифатини баҳолашга интилдик. Натижада роман таржималарининг барчаси сифати ҳам маъқул ва муносиб эмаслиги аниқланди, чунки улардан баъзиларининг аниқлиги, мақбуллиги ва ўқилиш даражаси ўртача. Таржиманинг аниқлиги, мақбуллиги ва ўқилиш даражасини ошириш учун муаллифлар шуни талаб қиладики, таржимон яхши таржима қобилиятига эга бўлиши билан бир қаторда ўз она тилини ҳам, таржима қилинадиган тилни ҳам маданий тушуниши лозим.

Қуйида асарнинг таржималарини хронологик кетма-кетликда келтириб ўтишни жоиз топдик:

1931-йил Холид Саид ва Абдулла Қамчинбек томонидан озарбайжон тилига ўгирилган.

2009-йил Муҳаммаднодир Сафаров томонидан “Минувшие дни” номи билан рус тилига таржима қилинган.

2017-йил И. М. Тўхтасинов томонидан *The Days Gone By* номи билан инглиз тилига таржима қилинган.

2019-йил И. Каримов фонди буюртмасига асосан *Days Gone By* номи билан инглиз тилига таржима қилинган ва Франциянинг *Nouveau Monde Editions* нашриётида чоп этилган, таржимон Керол Эрмакова, муҳаррир Жули Уикеден.

Шунингдек, 2019йил америкалик тадқиқотчи ва таржимон Марк Эдвард Риз томонидан *Bygone Days* номи билан инглиз тилига таржима қилинган. Марк Эдвард Риз ушбу китоб таржимасига 15 йил вақт сарфлаган ва асар америкаликларга тушунарли бўлиши учун 400 дан ортиқ изоҳ ва шарҳлар ёзган. Ушбу нашр нусхаси АҚШнинг Конгресс кутубхонасидан ўрин олган.

Ушбу ишлар орасидан М. Сафаров (15), И. М. Тўхтасинов (13), К. Эрмакова (14) ҳамда Марк Эдвард Риз (5) таржималари таҳлил қилинди. Асл матн ва таржималарда қўлланилган бадиий тасвир воситалари, белгиланган доирадаги сўзлар қиёсланган ҳолда кўриб чиқилади. Улардаги дунёқарашдан, менталитетдан келиб чиққан ҳолда қўлланилган бадиий тасвир воситалари кўрилиб, улар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқлар кузатиб борилади. Бу эса мавзунинг долзарблигини кўрсатади. Ушбу жараёнда манба матнининг функционал таҳлили таржимонга ёрдам беради: матнни яхлит баҳолаш, таржима жараёнида муҳим роль ўйнайдиган ўзига хос хусусиятларни аниқлаш ва муаммоларни ҳал қилиш учун тегишли стратегияларни ишлаб чиқиш кабилар. Шу сабабли категоризациянинг аввали белгиланган доирадаги сўзларни таҳлил қилиш билан бошланди. Анализ жараёни ниҳоясига етгач ажратилган сўзлар муайян категорияларга ажратиб чиқилди. Тўлиқ таҳлил формати орқали контекстда берилган сўз категориялаштирилади. Категоризация рўйхат сифатида берилган бўлса-да, аналитик жараён матннинг ўзаро боғлиқ бўлган хусусиятларини яхлит баҳолаш сифатида қаралади: масалан, маъновий таҳлил қилиш барча категорияларга тегишли. Ҳар бир таржима матнидаги ажратилган сўзнинг таржима мазмуни ва категорияси аниқлаштирилади ва ҳар бир категория қуйида намуналар билан келтириб ўтилади.

Асарни таҳлил қилиш натижасида сўзлар қуйидаги категориялар ажратилди:

- 1) урф-одатга оид сўзлар;
- 2) кийим-кечакка оид сўзлар;
- 3) мурожаатга оид сўзлар;
- 4) характерга оид сўзлар;
- 5) касб-фаолиятга оид сўзлар;
- 6) эквивалентсиз лексика сўзлари.

Келтирилган категорияларга қуйида анализ-таҳлил қилинган мисоллар орқали тушунтиришлар берилади. *Амакинғиз* бизнинг ҳавлига келиб турадиган вақтларида сиз ёш бола эдингиз, *бек*, — деди. — Амакинғиз сизни саройларга ҳам олиб тушар эдилар (12, 6).

Ушбу парчада белгиланган доирада келтирилган сўзлар — *амаки* ва *бек* сўзлари мурожаатга оид сўзлар категориясига киради. Уларнинг иккиси ҳам гендерлик хусусиятига (эркак жинсига мансуб) эга. Қуйида ушбу икки сўзнинг анализ-таҳлили келтириб ўтилади.

— At that time when that *gentleman* visited our house, *you, Bek*, were still a child. He used to take you around the city, and caravanserai (13, 15).

— В то время, когда этот *господин* посещал наш дом, *вы, бек*, были еще ребенком. Он, бывало, и в караван-сарай брал вас с собой (15,15).

— In the days when this *gentleman* visited our house, you, *my bek*, were still a small child. He would even take you with him to the caravanserai on occasion (14, 18).

— *His Honor* came to our house many times to visit. You were very young, *Bek*, he said. Your *uncle* would occasionally take you with him to the serai (5, 55).

Маълумки, *амаки* сўзи ўз этимологиясига кўра, арабча “отанинг акаси” маънони англатувчи *бамм(ун)* сўзидан келиб чиққан. Асардан келтирилган ушбу парчада *амаки* сўзи бундай маънода эмас, балки кишига хушмуомалалик билан мурожаат қилиш ёки аташ ҳамда сўзлаётган одамни ўзига яқин олиш ва унга нисбатан юқори хурмати борлигини англатиш маъносида келгандир.

Жадвалда келтирилган гапга ойдинлик киритиш мақсадида ушбу гап *амаки* сўзининг Ҳасанали томонидан *Мирзакарим қутидор* тўғрисида Отабекка сўзлаб бериш жараёнидир.

Таржималарга эътибор қаратсак, инглиз тилидаги Тўхтасинов ҳамда Эрмакованинг ишларида *амаки* сўзи *gentleman* бўлиб таржима қилинган. Аслият тилида амаки сўзи икки мартаба берилган. Лекин, биламизки, инглиз тили муайян контекстда муайян сўзни бир неча бор такрорлаб келишни хушламайди. Шу сабабли ҳам кўришимиз мумкинки, бу икки таржимада *gentleman* фақат контекст бошида келган, кейинги қисм эса *he* орқали ифодаланиб кетилган; ўз навбатида Марк Риз таржимасида эса анчайин бошқача бўлган, (контекстнинг биринчи қисмида *амакиннинг* ўрнида HIS HONOR келган) ва шунингдек, *amaki-uncle* (қаранг: контекстнинг иккинчи қисмида) тарзида олинган. Тахминан 1200-йилларда, (12-асрнинг ўрталарида) “яхши оилада туғилган одам, оиласи яхши одам” маъносини англатувчи, шунингдек, Рим патритсийлари ва қадимги юнон аристократларига боғлиқ бўлган, *gentle + man* дан; эски француз тилидаги *gentilhomme* (шу тариқа *gentleman* сўзи 18-асрда француз тилидан олинган ўзлашма сўз ҳисобланади) асосида яратилган. Англияда бу сўз кўпинча ижтимоий даражаси юқори

бўлган ҳар қандай одамни ва зодагонларни англатган, аммо, шунингдек унвонга эга бўлмаганлар учун ҳам қўлланилган. Ушбу сўз аввал бошданок "фёъл-атвори рицарлик ва **наспронийлик** (христианлик) идеалларига мос келадиган зодагон" деган маънос маънога эга бўлиб келган. Шунингдек, ўз навбатида, "гентлеман" ҳар қандай яхши наслдан бўлган, хушмуомала, иззат-икромли, бошқаларнинг ҳис-туйғуларига қаттиқ эътибор берадиган одамларга нисбатан ҳам кенг қўлланила бошланди. Охир-оқибат, одоб-ахлоқ доирасида ишлатилишига кўра, бу сўз ижтимоий мавқеидан қатъи назар умуман *эр киши* деган маънони англатиб келмоқда. Аммо шуни ҳам назардан четда қолдирмаслигимиз керакки, Марк Ризнинг **uncle** деб таржима қилишида ҳам муайян маънода муҳим жиҳат бор. Яъни бу *Urban Dictionary* луғатида **uncle** тўғрисида "бирор кишига мурожаат қилишнинг ҳурмат тарзидаги усули (у киши сизга қариндошлик жиҳатдан боғлиқ бўлмаса-да), айниқса бу Шаркий Осие маданиятига хосдир" дея келтириб ўтилган. Бундан ташқари эса, Марк Риз, назаримда, **gentleman** сўзи юқорида таъкидланганидек, христианлик динига мансублар орасида ишлатилганлигини ҳам инобатга олган кўринади. Аммо бу билан гентлеман бутунлай нотўғри танланган, деб ҳам бўлмайди, ушбу сўз ҳам ҳозирда мурожаат қилиш бобида ишлатилиб келинмоқда, деб айтиб ўтдик, Бироқ асарнинг қайси миллат вакили ёзганлиги-ю ўша миллатнинг ўзлигини, жамиятнинг ҳолатини, ўша даврнинг ижтимоий, сиёсий ва энг асосийси диний хусусиятларини воситачи тилда тўлақонли ва тўла-тўкис очиб бериш ва ўқувчига етказиш таржимоннинг асосий вазифасидир. Шу сабабдан ҳам **uncle** ҳар томонлама ушбу контекстга энг мос вариант бўла олади, деб ўйлайман.

Сафаровнинг рус тилидаги таржимаси *господин gentleman* сўзининг айна таржимаси қилиб олинган. Бу икки сўз маъно ва мазмун жиҳатидан деярли бир хил моҳиятда деб айтиш мумкин.

Иккинчи сўз БЕК. Бир қарашдаёқ бу Отабек исмининг қисқартирилган шакли деб ўйлашимиз мумкин, аммо бундай десак, бироз адашган бўламиз. Чунки бу ерда сўз ким томонидан кимга нисбатан қўлланилганлигига эътибор қаратишимиз лозим: маълум бўладики, Ҳасанали томонидан Отабекка. Ҳасанали Юсуфбек ҳожининг уйида 50 йилдан бери хизматда бўлиб келган. Унинг Отабеклар оиласида хизмат қилишини ҳисобга олсак, Отабекка (яъни хўжазодасига) бек деб мурожаат қилиши ҳам шу билан боғлиқ. Аммо шундай бўлса-да, кейинчалик Ҳасанали улар оиласининг чин бир аъзосига айланиб кетган. Ва келтирилган барча таржималарда асл маъно сақлаб қолинган ҳолда бек деб олинган. Аммо бу ерда баъзи кичик фарқлар ҳам кўзга ташланади. Булардан бири Эрмакова ўз ишида контекстга бироз кўпроқ урғу берган ҳолда **my bek** деб таржима қилган. Ва иккинчи фарқ худди шу урғуга боғлиқ, яъни гап шундаки, *бекнинг* турли таржималарда бош ёки кичик ҳарфлар билан ёзилганлигидир. Фикримизча, Тўхтасинов ва Марк Риз таржималарида Бекнинг бош ҳарфда ёзиш орқали, Эрмакова эса юқорида айтиб ўтилганидек, мой бек деб, рус тилидаги Сафаров таржимасида ҳам Эрмакованики билан ўхшаш тарзда **..., вы, бек...** тарзида олинган. Бу борада ҳар бир таржима ўзига хос ва маъқул келади, деб айтиш мумкин.

— Ул **кундаш** бўлганда мен кундаш эмасми?(12, 191)

“If she is a **rival**, who am I? I am a **rival** too” (13, 351).

— Но и я ведь ей **соперница!**..(15, 381)

— But I am a *rival* to her too! ... (14, 315)

“If she is a *kundosh*, don't I also hold the title of *kundosh*?” (5, 569).

Кундош — бир эр никоҳидаги бир неча хотин (бир-бирига нисбатан). Бу ерда асли қадимги туркий тилдаги “қизган” – ғайрилик қил маносини англатган. *Кўн* – феълидан –*и* қўшимчаси билан куни оти унга –*да* қўшимчаси қўшилиб, *кунида* феъли ва ниҳоят –*и* қўшимча қўшилиб кундош оти ясалган. Кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган.

Сафаров бу сўзни *соперница* сўзи билан изоҳлаган. Лекин бу сўз ўзбек тилида *рақиб* деб таржима қилинади. Чунки рус халқида кундош деган тушунча йўқлиги учун шу сўздан фойдаланган. Эрмакова ва Тўхтасиновлар бу тушунчани *rival* деб ифодалаган. Тўхтасинов, Сафаров ва Эрмакова таржимада бир хил тушунчадан фойдаланган. М. Риз таржимасида эса айнан *кундош* сўзининг ўзи ишлатилган. Чунки ушбу тушунча *rival* деб таржима қилинганда контекст маъноси бутунлай ўзгариб кетади: рақиб ва кундош ўртасида анчагина фарқлар бор. Гарчи *rival* бир хил даъво ва ҳуқуққа эга шериклар маъносида келган тақдирда ҳам аслият тилидаги айнан ўша тушунчани ифодалаб бера олмайди. Бундан ташқари эса ушбу тушунча инглиз ва рус менталитетида учрамайди. Бу сўзни таржима қилишда М. Риз яхши йўл тутган, яъни у *кундош* сўзини эквивалентсизэквивалентсиз лексика сифатида олиб транслитерация усулини қўллаган ҳолда асар охирида сўзга изоҳ қолдирган. Таржимоннинг бу борадаги аниқ ва тўғри тушунчаларга эғалигини таржиманинг муқобиллигини таъминловчи омиллардан бири сифатида баҳолаш мумкин. Асардаги муайян контекстни тасвирлашда муаллифнинг вазиятга бўлган муносабатини китобхонга етказиб бера олиш вазифаси ҳам муҳим аҳамият касб этади.

М. Ризнинг ёзган изоҳи қуйидагича:

Kundosh: A kundosh is part of a presumably wealthy man's bevy of brides. The literal translation is “day companion” — “Kun” meaning day, “dosh” meaning someone who shares a status or situation with you. Yuldosh, “yul” meaning road, meanings traveling companion. The trope of the kundosh not getting along with and hating the husband is a common theme throughout Jadid literature, and here we are offered a comic tableau for the reader. Qodiriy also strikes upon an important aspect of modernist Islam: A Muslim man may not take more brides than he can “deal with Justly” (Koran, Sura 4 [An-Nisa]. Ayah 3). E.g., he couches his arguments for reform against common Islamic practices within Islam itself—not through erroneous, common beliefs or Soviet ideology.

Кўриб турганингиздек, *кундош*нинг таржима қилинган тилда мос келадиган эквиваленти мавжуд эмас, яъни эквивалентсиз лексика бўлиб, воситачи тил лексик тизимида аналогий йўқ; таржимада ўз ўрнида олиниши ва ўрнини босиши мумкин бўлган “тайёр сўз” ёки баркарор ибора (Латишев).

Зайнаб эгачисининг аксича ўз яқинларидан “нусмиқ” деб исм олган, онаси бўлса аччиғи чиқганда “мингаймас ўлгур” деб уни қарғар эди(12).

On the contrary Zaynab was stuck a nickname of “*clandestine*”, at times getting angry her mother would curse her: “*damn you, silent*” (13).

А Зайнаб, наоборот, прозвали, *скрытной*. “У, немота, чтоб ты пропала”, - ругалась мать, сердясь на нее(15, 381).

As for Zainab, she was quite the opposite. She was dubbed *secretive*. “Scram, you, dimwit!” her mother would admonish her when vexed (14, 315).

Diametrically opposed to her sister, Zainab earned the nickname “*Keeper of Secrets*” from those close to her; even her own mother would berate her when she became angry with the invective “*you damned secret keeper*” (5, 569).

Ушбу парчада характерга оид сўзлар: писмиқ ва минғаймас ўлгур танланган. Келтирилган таржималарда ажратиб кўрсатилган биринчи сифат “*писмиқ*” бўлиб, ушбу сўз ишни “пинҳона амалга оширадиган”, “сир бой бермайдиган” деган маънони беради. Ва кўриш мумкинки, инглиз тилидаги таржималар бир-биридан фарқ қилади: И. М. Тўхтасинов таржимаси *clandestine*, К. Эрмакова *secretive* сифати билан, Марк Риз эса *Keeper of Secrets* тарзида берилган; рус тилидаги таржима эса *скрытной* деб таржима қилинган. *Clandestine* сифати ўз этимологияси бўйича Ўрта асрлар француз ёки лотин тилидан олинган деб келтирилган бўлиб, лотинча *celare* *яширмоқ* феълига яқин ҳисобланади. Шунингдек, кўпчилик луғатларда келтирилган таърифларга кўра ушбу сифат кўпроқ предмет, воқеа-ҳодиса, вазиятларга нисбатан ишлатилиши тўғрисида хулоасага келиш мумкин. Қуйида баъзи асарлардан мисоллар келтириб ўтилади:

1818, Jane Austen, Northanger Abbey:

“Whether the torments of absence were softened by a *clandestine correspondence*, let us not inquire. Mr. and Mrs. Morland never did.”

1878, Thomas Hardy, The Return of the Native:

“Wildeve's *clandestine plan* with her was to take a little gravel in his hand and hold it to the crevice at the top of the window shutter, which was on the outside, so that it should fall with a gentle rustle, resembling that of a mouse, between shutter and glass.”

Кўриб турганингиздек, машҳур ёзувчилар ўз асарларида *clandestine* сўзини инсонга нисбатан ишлатишмаган.

К. Эрмакова рус тилига қилинган таржима орқали *secretive* эса қайсидир маънода контекстга тўлиқ мос эмас (шу жиҳатдан таҳлил ҳар икки таржимага тегишли), сабаби ушбу таржима гапни бирмунча расмий бўлиб қолган ёки бадий маъносини камайтирган. Чунки эътибор берсак, *писмиқ* сўзи асарда қўштирноқ ичида ёзилган: бу эса сифатланган кишида, яъни Зайнабда алоҳида ўзига хос хусусиятлар бор эканлигини билдиради.

Марк Риз таржимасида эса қуйидагича: *Keeper of Secrets*. Бу таржима гапга жуда ҳам мос тушган, десак муболаға бўлмайди. Чунки ушбу таржима бутун бир гапга худди асл матндагидек ўзгача ва асл маънони олиб кирган. Ва ушбу жойда эътибор берган бўлсангиз, гап бошқа таржималарга нисбатан анчайин узун ҳолатда келтирилган бу шуни англатадики, таржима анча мукамал қилинган.

Хулоса. Ижодий фикрлашни ривожлантиришга, тадқиқотчилик фаолиятини эгаллашга қаратилган мустақил ишларни бажариш орқали таржима асар моҳиятини очиш, таҳлил қилишдан иборатдир. Асл матнда ҳам, таржимада ҳам бадийликни сақлаб қолишга сўз танлаш муаммоси кучли маҳорат талаб қилади. Адиб асар яратаётганда ўйлаб ўтирмасдан хаёлда пайдо бўлган фикрни ўша заҳотиёқ аниқ қилиб қоғозга туширади. Таржимада эса вазият ўзгача: таржимон асарни бошқа тилда қайта яратиш учун муаллифнинг фикрини узоқ вақт ўрганади, аниқ ва пухта ўзига сингдириб олади,

кейин матн характерига қараб сўз танлайди, бу сўзлар маъноси, жарангдорлиги, шакли, услубий муқобиллиги, асл нусхадаги фикрни иложи борича тўла равишда ифодалаш йўлларини излайди. *Ўткан кунлар* яратилган давр таржима амалга оширилган пайдан маълум даражада фарқ қилади. Шунинг учун аслият руҳини тўла-тўқис қайта яратиш масъулияти таржимондан зарур тил воситаларини тўғри танлаш йўли билан асар вужудга келган давр хусусиятини ўрганиб чиқишни ва қайта яратишни талаб этади. Шу билан бирга, таржима амалга оширилган давр тили бир қадар китобхонга тушунарли бўлиши лозим. Чунки таржимон асарни ўз даври китобхони мутолааси учун ўгиради. Тарихий мавзудаги асарлар бадииятида тарихийлик ва миллийлик бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Ўз навбатида, бу тушунчаларнинг бирини таржимада нотўғри акс эттирилиши иккинчисининг ҳам бузилишига олиб келади. Асарда тарихийлик ва миллийликни белгиловчи унсурлардан бири тарихий-архаик сўз ҳисобланмиш унвон, касб-корларга тегишли сўзлар ва реалиялардир. Таржимон Марк Риз тарихий-архаик сўзларни таржимада беришда, асосан, транслитерация усулидан фойдаланган. Зеро, транслитерация тарихий давр кўринишини ифодалашда синалган ва ишончли усулдир. Кўпчилик таржимонлар йўл қўядиган асосий камчилик касб-корга тегишли сўзларнинг маъноларини, аксарият ҳолларда, иқтибос асосида келтириб ўтмаслиги. Лекин Марк Риз ушбу сўзлар учун алоҳида глоссарий ҳам ташкиллаштирган. Умуман олганда мутаржим асардаги тарихийликни сақлаб қолишга ҳаракат қилган ва бунга кўп ҳолларда эришган ҳам.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ashdown S. "The Structure of Cognition Governing Knowledge, Culture and Change in Organizations". *IJKCCM* 9. — 2009. — 155 p.
2. Blois R., "Lexicography and Cognitive Linguistics: Hebrew Metaphors from a Cognitive Perspective". *DavarLogos*, 2004. — 97–116 pp. https://www.researchgate.net/publication/28163841_Lexicography_and_Cognitive_Linguistics_Hebrew_Metaphors_from_a_Cognitive_Perspective
3. Cohen H., and Lefebvre C., *Handbook of Categorization in Cognitive Science* - Oxford, UK: Elsevier. 2005. — 1087 p. — URL: https://openlibrary.org/books/OL17190954M/Handbook_of_categorization_in_cognitive_science
4. Harnad S. To Cognize is to Categorize: Cognition is Categorization. // *PhilPapers*, — 2005. — P. 20–43. — URL: <https://philpapers.org/rec/HARTCI>
5. Mark Reese. "Bygone Days". Muloqot Cultural Project, 2019. — 496 p. — URL: <https://www.amazon.com/Bygone-Days-Kunlar-AbdullahQodiriy/dp/0578467291>
6. Quinn, K.A., Macrae, N.C., Bodenhausen, G.V.: Social cognition. In: L. Nadel (ed.) *Encyclopedia of Cognitive Science: Similarity-Zombies*, — London: MacMillan Publishers, 2003. vol. 4, pp. 66–73.
7. Rosch E., Principles of Categorization. in Rosch E., and Lloyd B., (eds.). *Cognition and Categorization* — Hillsdale NJ. Erlbaum, 1978. — P. 27-48. — URL: <https://www.scirp.org/reference/ReferencesPapers.aspx?ReferenceID=1546048>
8. Ungerer F., Schmid H. *An Introduction to Cognitive Linguistics*. — Longman, 1996. — 306 p.
9. Yozici Mine. *Çeviribilme Giriş*. — İstanbul yayınlari. 2001. — 380 s. — URL: <https://www.nadirkitap.com/ceviribilimine-giris-mine-yazici-kitap11465918.html>
10. Каримов И. А. Юсак маънавият — енгилмас куч. — Тошент: Маънавият, 2008. — 108 б.
11. Комилов Н. Бу қадимий санъат. — Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988. — 192 б.

12. Қодирий А. Ўткан кунлар. — Тошкент: Mashxur-press, 2017. — 497
13. Қодирий А. Ўткан кунлар. / И.М.Тўхтасинов таржимаси, *The Days Gone By*. — Toshkent, 2017. — 225 б.
14. Қодирий А. Ўткан кунлар./ К. Эрмакова таржимаси, *Nouveau Monde editions*, 2018. — URL:
<https://www.nouveau-monde.net/catalogue/days-gone-by/>
15. Қодирий А. Ўткан кунлар./ М.Сафаров таржимаси, *Минувшие дни*. — Ташкент: Шарк, 2009. — 246 с.
16. Саломов Ғ. Адабийанъанавабадийтаржима. — Тошкент: Фан, 1980. — 158 б.

References

1. Ashdown S. *The Structure of Cognition Governing Knowledge, Culture and Change in Organizations*, ИКССМ 9, 2009, 155 p.
2. Blois R. "Lexicography and Cognitive Linguistics: Hebrew Metaphors from a Cognitive Perspective" *DavarLogos*, 2004, pp 97–116. Available at: https://www.researchgate.net/publication/28163841_Lexicography_and_Cognitive_Linguistics_Hebrew_Metaphors_from_a_Cognitive_Perspective
3. Cohen H., Lefebvre C., *Handbook of Categorization in Cognitive Science*, Oxford, UK: Elsevier 2005, 1087 p. Available at: https://openlibrary.org/books/OL17190954M/Handbook_of_categorization_in_cognitive_science
4. Harnad S. *To Cognize is to Categorize: Cognition is Categorization*, *PhilPapers*, 2005, pp. 20–43. Available at: <https://philpapers.org/rec/HARTCI>
5. Mark Reese. *Bygone Days* Muloqot Cultural Project, 2019, 496 p. Available at: <https://www.amazon.com/Bygone-Days-Kunlar-AbdullahQodiriy/dp/0578467291>
6. Quinn, K.A., Macrae, N.C., Bodenhausen, G.V.: Social cognition. In: L. Nadel (ed.) *Encyclopedia of Cognitive Science: Similarity-Zombies*, London: MacMillan Publishers, 2003. vol. 4, pp. 66–73.
7. Rosch E., *Principles of Categorization*. in Rosch E., and Lloyd B., (eds.). *Cognition and Categorization* — Hillsdale NJ. Erlbaum, 1978, pp. 27–48. Available at: <https://www.scirp.org/reference/ReferencesPapers.aspx?ReferenceID=1546048>
8. Ungerer F., Schmid H. *An Introduction to Cognitive Linguistics*, Longman, 1996, 306 p.
9. Yازıcı M. *Çeviribilme Giriş* (Introduction to Translation), İstanbul yayınları, 2001, 380 p. Available at: <https://www.nadirkitap.com/ceviribilimine-giris-mine-yazici-kitap11465918.html>
10. Karimov I. A. *Yuksakma"naviyat — engilmaskuch* (High spirituality is an invincible force.), Toshent: Ma"naviyat, 2008, 108 p.
11. Komilov N. *Bu kadimiisan"at* (This is an ancient art), Toshkent: Adabietvasan"at, 1988, 192 p.
12. Kodirii A. *Utkankunlar* (The Days Gone by), Toshkent: Mashxur-press, 2017, 497 p.
13. Kodirii A. Utkankunlar. / I.M.Tukhtasinovtarzhimasi, *The Days Gone By*. — Toshkent, 2017. — 225 b.
14. Kodirii A. Utkankunlar. / K. Ermakovatarzhimasi *Days Gone By*, *Nouveau Monde editions*, 2018. Available at: <https://www.nouveau-monde.net/catalogue/days-gone-by/>
15. Kodirii A. Utkankunlar. M.Safarovtarzhimasi, *Minuvshiedni* (The Days Gone by), Tashkent: Shark, 2009, 246 p.
16. Salomov F. *Adabiian"anavabadiitarzhima* (Literary tradition and artistic translation.), Toshkent: Fan, 1980, 158 p.